

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2022 йил июнь ойининг 24 куни, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг очик суд мажлиси ўз биносида, суд мажлисида раислик қилувчи шу суд судьяси С.Бадриддинов, И.Асадовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Бухоро шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси А.Эргашев, Бухоро шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Б.Бабамуродов, судланувчи Ф.Халоков ва унинг ҳимоячиси – адвокат Ф.Файзиллаев ҳамда Н.Солиев, фуқаровий даъвогар М.Султоновларнинг иштирокида, Х.Фга нисбатан бўлган 1-2001-2204/230-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи Х.Ф 18.08.1989 йилда Бухоро шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2-нафар фарзанди бор, “Т S” МЧЖнинг раҳбари вазифасида ишлайди, муқаддам судланмаган, Бухоро шаҳар Пиридастгир кўчаси 7-уй, 156-хонада яшайди, эҳтиёт чораси сифатида 2022 йил 29 март куни эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 10 апрель куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 189-моддаси 1-қисми ва 184-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ф.Халоков 16.01.2020 йилда “Т S” масъулияти чекланган жамиятни ташкил қилиб, ушбу МЧЖда раҳбар бўла туриб, 16.01.2020 йилдан 19.10.2020 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.08.1996 йилдаги “Бюджет билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектларни жавобгарликларини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1504-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 17.11.2011 йилдаги 306-сонли “Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талабларини қўпол равишда бузиб, “Т S” МЧЖнинг 2 млрд. 445 млн. 370,5 минг сўмлик товар моддий бойликларини нақд пулга реализация қилиб, пул маблағларини назорат касса машинасига кириш қилмасдан ва банк ҳисоб рақамига топширмаганлиги



натижасида жуда кўп миқдордаги савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузган.

Бундан ташқари, Ф.Халоков ўз жинойй ҳаракатларини давом эттириб, 16.01.2020 йилдан 19.10.2020 йилга қадар 2 млрд. 445 млн. 370,5 минг сўмлик товарларнинг ноқонуний сотувидан тушган нақд пул маблағларини банк ҳисоб рақамига кирим қилмасдан ҳамда 2 млрд. 846 млн. 452,0 минг сўмлик кирим қилинмаган товар моддий бойликларини сотиб, солиқ ҳисоботларида қўшилган қиймат солиғини кўрсатмаганлиги натижасида 426 млн. 967,8 минг сўмлик қўшилган қиймат солиғи тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Судланувчи Х.Ф суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлашини, 2020 йил 16 январь куни “Тиамон-Шахдиёр” МЧЖни ташкил қилганлигини, жамиятнинг фаолият турига ноозиқ-овқат ва қурилиш маҳсулотлари улгуржи савдони ташкил қилишини, жамиятнинг 100 фоиз таъсисчи ва раҳбари ўзи ҳисобланишини, ўтган давр мобайнида жамиятнинг раҳбарини турмуш ўртоғи Файзуллаева Шахло Фарход қизига алмаштирганлигини, жамиятнинг ҳисоб рақами дастлаб АТ “Халқ банки”да бўлган кейинчалик жамият ҳисоб рақамини АТ “Инфин банк”ка ўзгартирганлигини ва ҳозирги кунга қадар жамият ҳисоб рақами ушбу банкда, жамият бошқа банкда ҳисоб рақами ёки иккиламчи ҳисоб рақами мавжуд эмаслигини, жамиятни 2020 йил январь ойида ташкил қилган бўлса-да, 2020 йилнинг сентябрь-октябрь ойига қадар фаолият юритганлигини, ушбу даврда жамият таъминотчи сифатида кредит эвазига миждозларга маҳсулотлар етказиб берганлигини, корхона фаолиятини солиқ ортиқча қарздорлик ҳисобланиб, ҳисоб рақами ёпилганлиги учун тугатганлигини, солиқ текшируви натижасида 274 млн. сўм қўшимча ҚҚС ҳисобланганлигидан хабардор бўлганлигини, ушбу солиқлар бўйича қайта ҳисобот топширмаганлигини, у ноль ҳисобот топширганлигини, солиққа оид ҳукубузарликларни қайд қилиш далолатномаси вилоят ДСБнинг 24.10.2020 йилдаги хати орқали ва 26.10.2020 йилдаги солиқ ҳисоботларига тузатиш киритиш ҳақидаги талабномаси танишлигини, жамиятнинг ҳисоб рақамига келиб тушган деярли барча пул маблағлари банклар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ажратилган кредит пуллари ҳисобланиб, ажратилган кредит пулларида кредит олувчиларга маҳсулотларини нақд пулда бозордан олиб берганлигини, жамият ҳисоб рақамига келиб тушган кредит пуллари бошқа корхоналарга қурилиш маҳсулотлари сотиб олиш учун кўчирганлигини, сотиб олинган қурилиш маҳсулотларини нақд пулда сотиб пул маблағларини кирим қилмаганлигини, у барча маҳсулотларни нақд пулда сотиб олиб, нақд пулда сотганлигини, у суд бошқарувчисининг 27.10.2021 йилдаги хулосаси билан танишиб чиққанлигини, хулосада қайд қилинган ҳолатларни тўлиқ тан олишини, жумладан, “Buhkara bread bakery” МЧЖга нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун АТБ “Агробанк” Бухоро вилоят филиалидан жамият ҳисоб рақамига 800 млн. сўм келиб тушган бўлиб, у ушбу корхонага нон ускунасини кўчадан нақд пулга сотиб олиб берганлигини, ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағларини



курилиш маҳсулотлари сотиб олиш учун кўчирганлигини, сотиб олган маҳсулотларини ҳам нақд пулга сотганлигини, шу каби, хулосада қайд қилинган банклар томонидан ажратилган кредит пуллари эвазига “Мухаммад Али Шоҳрух файз” МЧЖга 100 млн. сўмга “мойка ускунаси”, “Шарипова Дилбар Сулаймоновна”га 100 млн. сўмга боғча учун мебель ва жиҳозлари, “Озод Нурафшон Амир” МЧЖга 220 сўмга бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускунасини нақд пулда бозорда номаълум шахслардан сотиб олиб берганлигини, кредит олувчилар ва жамият ўртасида тузилган барча шартномалар ва “накладная-счёт-фактура”лардаги имзолар у ўзи бажарганлигини, 28.10.2020 йилдаги топшириш қабул қилиш далолатномасидаги 10 турдаги маҳсулотлар умуман мавжуд бўлмаганлигини ва ҳозирги кунда ҳам мавжуд эмаслигини ҳақиқатдан ҳам А.Рахмонов “Tiamon - Shaxdiyot” МЧЖнинг фаолиятига умуман аралашмаганлигини, МЧЖнинг барча фаолиятини ўзи юритганлигини, ҳақиқатдан ҳам у “Т S” МЧЖда раҳбар бўла туриб мазкур МЧЖнинг 2 млрд. 445 млн. 370,5 минг сўмлик товар моддий бойликларини нақд пулга реализация қилиб, пул маблағларини назорат касса машинасига кирим қилмасдан ва банк ҳисоб рақамига топширилмасдан яшириб келганлигини, у ушбу қонунбузилишни тан олишини, ўтказилган солиқ аудити давомида “Tiamon-Shaxdiyot” МЧЖ томонидан 426 967,8 минг сўмлик қўшимча қиймат солиқларни тўлашдан бўйин товлаб келинганлиги аниқланганлигини, у ушбу қонунбузилишни тан олишини, ушбу 426 967,8 минг сўмлик қўшимча қиймат солиқларни, 153 млн. сўмини вилоят прокуратураси депозит рақамига, 136 млн 553 минг сўмини солиқ ҳисоб рақамига тўлаб берганлигини, қолган 137 млн 414 минг сўмни ортиқча тўлов ҳисобидан солиқ ҳисоб рақамига тўлаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, қайтиб бундай ҳолатлар такрорланмаслигини, унга қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Ф.Халоковнинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, қуйидаги инкор этиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан, жумладан;

судда сўралган фуқаровий даъвогар М.Султонов, дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлашини, Ф.Халоков 16.01.2020 йилда “Tiamon - Shaxdiyot” МЧЖни ташкил қилиб, 16.01.2020 йилдан 19.10.2020 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.08.1996 йилдаги “Бюджет билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектларни жавобгарликларини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1504-сонли Фармони ва Вазирлар маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли “Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори талабларини қўпол равишда бузиб, “Tiamon - Shaxdiyot” МЧЖнинг 2 млрд. 445 млн. 370,5 минг сўмлик товар моддий бойликларини нақд пулга реализация қилиб, пул маблағларини назорат касса



машинасига кирим қилмасдан банк ҳисоб рақамига топширмаганлиги натижасида, 426 млн. 967,8 минг сўмлик қўшимча қиймат солиғи тўлашдан қасддан бўйин товлаб келганлигини, ҳозирда етказилган зарарлардан 273.967.800 сўми ДСБ ҳисоб рақамига ва 153.000.000 сўми прокуратуранинг ҳисоб рақамига топширилганлиги, ҳозирда зарар тўлиқ қопланганлигини ва унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб кўрсатув берди.

Судда сўралган гувоҳ Ҳақимов Собир Сафарович, дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлашини, яъни у Ўзбекистон Республикаси Суд бошқарувчилар жамияти Суд бошқарувчиси вазифасида 2015 йилдан ишлаб келишини, хизмат вазифаларига иқтисодий судлар томонидан банкрот деб топилган корхоналарни тугатиш иш жараёнини олиб бериш, жамият номидан тугатишга оид барча ҳаракатларни амалга ошириш, банкрот деб топилган корхонанинг дебитор ва кредитор қарздорларини шакллантириш, сохта банкротлик, қасддан банкротликка олиб келиш ҳолатлари бўйича тўпланган ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим қилиш ва бошқа вазифалар киришини, Пешкў тумани бўлган “Tiamon-Shaxdiyov” МЧЖ Пешкў туманлараро Иқтисодий судининг 2021 йил 26 августдаги 4-2005-2101/1284-сонли ҳал қилув қарори билан соддалаштирилган тартибда банкрот деб топилганлигини ва унга нисбатан тугатишга доир иш очилганлигини, суднинг мазкур ҳал қилув қарори билан жамиятнинг 4-даражали суд бошқарувчиси лавозимига у тайинланганлигини, “Т S” МЧЖ Пешкў туман Давлат хизматлари маркази томонидан 2020 йил 16 январда 801975-реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтиб иш бошлаганлигини ва мазкур жамият раҳбари Х.Ф ҳисобланишини, жамият Низомида “Т S” МЧЖнинг жойлашган манзили Пешкў тумани, “Қўрғон” МФЙ деб кўрсатилганлигини, жамият раҳбари Х.Ф Бухоро шаҳар Пиридастгир кўчаси 7-уй 156 -хонадонда яшашини, “Tiamon-Shaxdiyov” МЧЖга тегишли муҳр ва бурчак тамгалари 2021 йил 18 сентябрда далолатнома асосида суд бошқарувчиси тасарруфига қабул қилиб олинганлигини, АТ «Халк банк» Бухоро вилоят филиалининг 2021 йил 28 октябрдаги 06-03/646-сонли маълумотига асосан жамият мазкур банкда очган ҳисоб рақами орқали 2020 йил 19 февралдан 2020 йилнинг 12 март кунига қадар жами 90 529 040 сўм банк айланмасини амалга оширганлигини, АТБ “Инфин банк” Бухоро вилоят филиалининг 2021 йил 28 октябрдаги 15-20/2233-сонли маълумотига асосан 13.03.2020 йилдан 19.10.2020 йилга қадар жами 2 млрд. 353 млн сўм банк айланмасини амалга оширганлигини, жамиятнинг ҳисоб рақамларида қолдиқ пул маблағлари мавжуд эмаслигини, сўнги банк айланмаси 19.10.2020 йилда амалга оширилганлигини, “Инфинбанк” Бухоро вилоят филиали маълумотномага илова қилинган 2-картотекада жами 989 581 888. 48 сўмлик қарздорликлар мавжуд бўлиб, бу қарздорликлар Пешкў туман ДСИ ва Вилоят ДСБ томонидан қўйилган инкассолари эканлиги аниқланганлигини, жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси ташқарисида, Республика ҳудудидаги бошқа банкларда иккиламчи ва валюта ҳисоб рақамлари мавжуд эмаслиги



аниқланганлигини, “Tiamon-Shaxdiyoyor” МЧЖ томонидан 2020 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси топширилган бўлиб, баланснинг актив қисми дебитори 160 млн. 614,3 сўмлик товар маҳсулотлари борлиги кўрсатилганлигини, бироқ жамият раҳбари ушбу товарнинг кимда ва қаерда сақланаётганлиги тўғрисида маълумот ва бухгалтерия ҳужжатларини тақдим қилмаганлигини, баланснинг пассив қисмида, солиқ турларидан қарздорлиги 1 млрд. 181 млн. сўмни ташкил қилиши кўрсатилганлигини, жамиятнинг бюджет олдидаги қарздорлиги бўйича Солиқ бошқарма томонидан тақдим этилган 16.09.2021 йил ҳолатидаги таққослама далолатномага асосан жами қарздорлиги 987 743 686.7 сўмни ташкил этиб, шундан 10.651.994 сўми Солиқ қонунчилигига риоя этмаганлиги учун унга нисбатан қўлланилган жарима ва пенялар эканлиги аниқланганлигини, жамият бухгалтерия ҳужжатларини юритмаганлигини, Бухоро вилоят ДСБ томонидан жамиятнинг 2020 йил 01 январдан 2020 йил декабрга қадар бўлган даври камерал солиқ текшируви текширишдан ўтказилганлиги аниқланганлигини, ҳисоб рақамида пул кўчириш орқали “алюмений аксессуар” олиш учун 274 900,0 минг сум курилиш моллари олиш учун 780 820,0 минг маиший техника олиш учун 155 600,0 минг сўм, омухта ем олиш учун 142 900,0 минг сўм, цемент олиш учун 739 350,0 минг сўм, жами 2 103 507,0 минг маблағ чиқим қилинган бўлса-да, лекин ушбу маҳсулотларни хариди учун харидор ва буюртмачилардан маблағ кирим қилинмаганлигини, жамиятга қарашли ер майдони мавжуд эмаслигидан келиб чиқиб, 2 103 570,0 минг сўмлик товар маҳсулотлар нақд пулда сотилиб банк муассасасига кирим қилинмаганлигини ва солиқ кодексининг 223-моддаси товарларни омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслигига асосан белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғига 274 378,7 минг сўм солиқ тўлови ҳисобланишига асос мавжудлиги аниқланганлигини билдириб берган кўрсатуви билан;

судда сўралган гувоҳ Худойбердиев Бахтиёр Ашурович, дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлашини, 2019 йил август ойларидан бошлаб Бухоро вилоят ДСБ солиқ аудит шўъбасида давлат солиқ бош инспектори бўлиб ишлаб келаётганлигини, унинг хизмат вазифасига корхона ва ташкилотларда солиқ қонунчилиги юзасидан барча турдаги текширишларни ўтказиш, қўшимча ҳисобланган солиқ ва тўловларни бюджетга ундириш, ўтказилган текширишлар юзасидан суд жараёнларида иштирок этиш ишлари киришини, у Бухоро вилоят прокуратурасининг жиноят иши юзасидан 2022 йил 14 январдаги “Ҳужжатли тафтиш тайинлаш тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, Бухоро вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2022 йил 17 январдаги 048-хс-сонли буйруғи ҳамда тасдиқланган солиқ аудити дастурига асосан Бухоро шаҳридаги “Tiamon-Shoxdiyoyor” МЧЖда жиноят иши бўйича солиқ қонунчилигига риоя қилиниши ва назорати солиқ органларига юклатилган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижроси юзасидан 2022 йил 21 январдан 2022 йил 08 февралга қадар солиқ



аудити ўтказганлигини, ўтказилган солиқ аудити давомида жамиятда бухгалтерия юритиш ҳолати 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектлар Молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича» йўриқнома (21-сон БҲМС)га амал қилган ҳолда олиб борилиши юзасидан текширилганда жамият томонидан бухгалтерия ҳисоби юритилмаганлиги аниқланганлигини, шунингдек, “Tiamon-Shoxdiyor” МЧЖ бўйича: 2020 йил учун жамият томонидан фойда солиғига нотўғри ҳисобот тақдим қилинганлиги сабабли 11 698,2 минг сўм бюджетга қўшимча ҳисобланганлигини, 2020 йил учун моддий наф тарзидаги даромадлардан солиқ ушлаб қолинмаганлиги натижасида жисмоний шахсларнинг даромад солиғига 10 338,0 минг сўм қўшимча ҳисобланганлигини, 2020 йил июнь-декабрь ойлари учун тақдим қилинган ҳисоботида ҚҚСга ҳисобланадиган оборотлар қиймати камайтириб кўрсатилганлиги сабабли 535 072,1 минг сўм ҚҚС бюджетга қўшимча ҳисобланганлигини, 2021 йил учун тақдим қилинган ҳисоботида ҚҚСга ҳисобланадиган оборотлар камайтириб кўрсатилганлиги сабабли 10 708,7 минг сўм ҚҚС бюджетга қўшимча ҳисобланганлигини, солиқ аудити натижасида бюджетга жами 567 817,0 минг сўм қўшимча солиқлар ҳисобланганлигини, бунда ушбу корхонада 2020 йил октябр ойида ўтказилган камерал солиқ текшируви натижасида қўшимча ҳисобланган 274 378,7 минг сўм қўшилган қиймат солиғи суммаси ўз тасдиғини топганлигини, бундан ташқари ўтказилган солиқ аудити давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 07 ноябрдаги 306-сонли «Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 06 сентябрдаги “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5813-сонли Фармони талабларининг бажарилиши текширилганда “Tiamon-Shoxdiyor” МЧЖ томонидан жами 2 445 370,5 минг сўмлик товар-моддий бойликлар, жумладан 806 390,0 минг сўм цемент, 260 869,5 минг сўмлик нон ишлаб чиқариш ускунаси, 198 988,7 минг сўм флоат ойна, 178 280,0 минг сўм турли хилдаги гул қоғозлар, 158 671,2 минг сўмлик алюминий профиллар ҳамда бошқа турли хилдаги товар-моддий бойликлар нақд пулга сотилиб, сотишдан тушган 2 445 370,5 минг сўм нақд пул маблағлари назорат касса машинасига кирим қилинмасдан ва банк ҳисоб рақамига топширилмасдан яшириб қолдирилганлиги аниқланганлигини, жами 2 846 452,0 минг сўмлик савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари бузилганлиги аниқланганлигини билдириб берган кўрсатуви билан;



судда сўралган гувоҳ Орипов Абзал Убедбоевич, дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, Б.Худойбердиевнинг кўрсатувиغا ўхшаш берган кўрсатуви билан;

шунингдек, судланувчи Ф.Халоковнинг айби жиноят ишида тўпланган ва суд муҳокамасида текширилган қуйидаги далиллар, билдирги, хабарнома, Ўзбекистон Республикаси Суд бошқарувчилар жамияти Суд бошқарувчисининг хулосаси, 2020 йил 24 октябрдаги камерали солиқ текшируви натижасида аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликларни қайд этиш далолатномаси, 2021 йил 3 мартдаги камерали солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш баённомаси ва қарори, 2022 йил 17 февраль кундаги текшириш далолатномаси унга илова қилинган ҳужжатлар ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Х.Фнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 184-моддасининг 3-қисми ва 189-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди. Чунки у товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузиш ҳамда солиқ ёки бошқа мажбурий йиғимларни тўлашдан бўйин товлаб келган.

Суд, судланувчи Х.Фнинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Х.Фнинг қилмишида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 56-моддасида кўрсатилган жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарорининг 9-банди 3-хатбошисида “Судлар шунга эътибор беришлари керакки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг катор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра қуйидаги ҳолларда маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилади: ЖКнинг 167, 168, 170, 180, 181, 181-1, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун – жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда” деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарорининг 37-бандида «ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган енгилроқ жазо тайинлаш мумкин. Бунда қонунга мувофиқ, судлар нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли



ва даражасини, балки айбдорнинг шахси, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин»лиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасининг 5-қисмида “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмайди, бундан одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар мустасно.” деб тушунтириш берилган.

Суд, қайд қилинган Пленум қарори ва қонун талабидан келиб чиқиб, судланувчи Х.Фга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, содир этилган жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмаганлигини, етказилган зарарни тўлиқ қопланганлигини содир қилган жиноятини ижтимоий хавфлилигини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 184-моддасининг 3-қисми билан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 189-моддаси 1-қисми билан қонун санкциясида назар тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддасига тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

Судланувчи Х.Фга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 45-моддасини қўллаш масаласини муҳокама қилиб, тадбиркор эканлигини инобатга олиб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазони қўлламасликни мақсадга мувофиқ деб топди.

Шунингдек, судланувчи Ф.Халоков томонидан Бухоро вилоят прокуратурасининг ҳисоб рақамига топширилган 153.000.000 сўм пул маблағлари Бухоро вилоят ДСБ фойдасига ўтказишни, Ф.Халоков томонидан 273.967.800 сўм пуллар Бухоро вилоят ДСБга тўланганлиги инобатга олишни, иш бўйича Ф.Халоковнинг яшаш хонадонидан тинтув вақтида расмийлаштириб олинган сариқ рангли темирдан ясалган бир дона аёллар тилла занжири, ўн дона аёллар ва эркалар тақинчоғи ва олти дона кумушдан ясалган тангалар Ф.Халоковга тилхат орқали қайтарилганлиги инобатга олишни, Ф.Халоковнинг номида бўлган 2020 йилда ишлаб чиқарилган оқ рангли, Lacetti русумли, дивигатель рақами № В15D211201722DFFX359, кузов рақами №ХWB5V31BVLA543717 шасси рақамсиз 80 S 150 МА бўлган давлат рақам белгисига қўйилган таъқиқни бекор қилишни, тинтув ҳаракатлари олиб борилган жараёни қайд этилган видео ёзувли бир дона диск иш ҳужжатларида



қўшиб сақлашни, иш бўйича ёзма ашёвий далил сифатида эътироф этилган хужжатларнинг жиноят ишига қўшиб сақланаётганлиги инобатга олишни суд лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Х.Ф /Xalokov Farrux Valiyevich/ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 189-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддаси 2-қисми тартибида, Ф.Халоковга тайинланган жазоларни қисман қўшиб, узил-кесил иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Бухоро шаҳар ИИБ томонидан белгиланган жойларда ўтатирилиб, жазони ўташ муддати судланувчи Ф.Халоковнинг иш бошлаган кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини назорат қилиш Бухоро шаҳар ИИО пробация бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

Ф.Халоковга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи Ф.Халоков томонидан Бухоро вилоят прокуратурасининг ҳисоб рақамига топширилган 153.000.000 сўм пул маблағлари Бухоро вилоят ДСБ фойдасига ўтказилсин.

Судланувчи Ф.Халоков томонидан 273.967.800 сўм Бухоро вилоят ДСБ Бухоро вилоят ДСБга тўланганлиги, иш бўйича Ф.Халоковнинг яшаш хонадонидан тинтув вақтида расмийлаштириб олинган сариқ рангли темирдан ясалган бир дона аёллар тилла занжири, ўн дона аёллар ва эркаклар тақинчоғи ва олти дона кумушдан ясалган тангалар Ф.Халоковга тилхат орқали қайтарилганлиги инобатга олинсин.



Судланувчи Ф.Халоковнинг номида бўлган 2020 йилда ишлаб чиқарилган оқ рангли, Lacetti русумли, дивигатель рақами № В15D211201722DFFX359, кузов рақами №ХWB5V31BVLA543717 шасси рақамсиз 80 S 150 МА бўлган давлат рақам белгисига қўйилган таъқиқ бекор қилинсин.

Тинтув ҳаракатлари олиб борилган жараёни қайд этилган видео ёзувли бир дона диск иш ҳужжатларида қўшиб сақлансин.

Иш бўйича ёзма ашёвий далил сифатида эътироф этилган ҳужжатларнинг жиноят ишига қўшиб сақланаётганлиги инобатга олинсин.

Хукмдан норози томонлар хукм эълон қилинган, судланувчи ва фуқаровий даъвогар хукм нусхасини олган кундан эътиборан 20 (йигирма) сутка муддат ичида жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди орқали Бухоро вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят қилишга, прокурор протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

С.Бадриддинов

Ҳужжат имзоланган: БАДРИДДИНОВ САИДЖОН САДРИДДИНОВИЧ, 16.07.2022

